

Давлат солиқ құмитаси хузуридаги



Акциз солиғи маъмуриятчилиги

2023 йил



Акциз – бу товарнинг нархига киритиладиган **билвосита** соликларнинг бир туридир.

Акциз **солиғи** – Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган акциз ости товарларга, хизматларга ва импорт қилинадиган товарларга қўлланилади.

Биринчидан

Мамлакат бюджетининг муҳим даромад манбаларидан бири саналади. Солик тизими ривожланиш босқичини бошдан кечираётган барча давлатлар сингари, мамлакатимизда ҳам акциз солиғи орқали даромадларни тез ва осон йиғиш имкониятлари юзага келади

Иккинчидан

Акциз солиғига тортиладиган товарлар истеъмолини чеклаш (асосан ижтимоий заарли товарлар) орқали муайян бозор доирасида талаб ва таклифни тартибга солади

Учинчидан

Давлатнинг миллий бозорини ҳимоя қилиш вазифаси акциз солиғи орқали тъминланади. Бунда юқори солик ставкаларидан фойдаланилади

Тўртинчидан


Акциз солиғи монопол мавқедаги товар ишлаб чиқарувчи ёки аниқ маҳсулот турини прогрессив соликқа тортиш вазифасини ўтайди

Бешинчидан

Акциз солиғи аҳолини бой бадавлат қатламлари даромадларини қайта соликқа тортиш усули бўлиб ҳисобланади

Акциз солиғи тұловчилари

1




Ўзбекистон худудида акциз солиғи солинадиган товарларни ишлаб чықарувчилар

2



Табиий газни истеъмолчиларга реализация қилишни амалга оширувчилар

3



Бензин, дизель ёқилғисини якуний истеъмолчиларга реализация қилишни, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали, шунингдек газни газ түлдириш станциялари ва газ түлдириш пунктлари орқали реализация қилишни амалга оширувчилар.
якуний истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ олувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади;

Этил спирти, Алкогол маҳсулотлари, пиво, тамаки маҳсулотлари полиэтилен гранулалар ва ҳ.к.



Табиий газ



Бензин, дизель, пропан, метан ёқилғи қуйиш шахобчалари

Акциз солиғи тұловчилари

4



Оддий ширкат иштирокчиси бўлган, оддий ширкат шартномаси доирасида амалга ошириладиган акциз тўланадиган товарни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган фаолият бўйича **оддий ширкат ишларини юритиш вазифаси зиммасига юклатилган ишончли шахс**

5



Ўзбекистоннинг божхона ҳудуди орқали акциз тўланадиган товарларни олиб ўтувчи шахслар



Айрим экспорт ёки импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар (*транспорт воситалари, қимматбаҳо металлар, ускуналар, хом ашёлар ва ҳ.к.*)

Акциз солиғи тұловчилари

Күйидагилар ҳам солиқ тұловчилар деб эътироф этилади:


1



Телекоммуникация мобиль алоқа хизматларини (акциз тұланадиган хизматларни) күрсатадиган Ўзбекистон юридик шахслари

2

Ўзбекистонда фаолиятни **доимий муассаса** орқали амалга оширадиган, акциз солиғи солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи ёки шундай товарларни олиб киришни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари



Чет эл юридик шахси Ўз.Р. дәғи тадбиркорлық фаолиятини тұлық ёки қисман қайси доимий фаолият жойида амалга ошираётгап бўлса, ўша жой чет эл юридик шахсининг Ўз.Р.сидаги доимий муассасаси деб эътироф этилади. (СК 36-модда).

**Солиқ ставкалари товарнинг ёки хизматнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор)
белгиланади**

ООО “Unitel” компания хизматидан абонентлар Т.Тошбоев 80,0 минг сўмлик ва Т.Эгамов эса 24,0 минг сўмлик ойлик таърифлардан фойдаландилар. Компания томонидан ҳар бир абонент рақами учун таърифга қараб акциз солиғини ундиради

САВОЛ

ООО “Unitel” компанияси томонидан ҳар бир абонент рақами учун қанча акциз солиғини ҳисоблайди?

ЖАВОБ

ООО “Unitel” компанияси Т.Тошбоевдан $(80,0 \times 10\%) = 8,0$ минг сўм, Т.Эгамовдан эса $(24,0 \times 10\%) = 2,4$ минг сўм жами 10,4 минг сўм акциз солиғини ушлаб қолиб, бюджетга ўтказиб беради



Ҳисоблаб чиқариш тартиби: $A = Стк \times Сст/100$ бунда;

А - акциз солиги суммаси;

Стк - сотилган товар қиймати (Акциз ва ҚҚСиз);

Сст - солиқ ствакаси;

Бунда; Тошбоев учун $(80\,000 \times 10/100 = 8\,000)$ Эгамов учун $(24\,000 \times 10/100 = 2\,400)$



Оддий ширкат шартномаси доирасида

“Mustang”, “Silver” ва “Star plus” МЧЖлар ҳамкорликда вино материали ишлаб чиқариш, ушбу вино материалидан шиша идишларга қуйилган вино (вермут) ишлаб чиқариш ва сотиш мақсадида, **оддий ширкат шартномасини** имзоладилар. Бу ерда “Mustang” МЧЖ узумдан табиий равища ачитилган табиий (спит қүшилмаган) винони **“Silver” МЧЖга** вино материали тайёрлаш учун етказиб беради. “Silver” МЧЖ “Star plus” МЧЖга тайёр маҳсулотни сотиш учун етказиб берди ва “Star plus” МЧЖ жами 10000 литр винони түлиқ сотган. **Бу ерда ширкат ишларини юритиш вазифаси “Silver” МЧЖга** юклатылған

САВОЛ

Ширкат фаолияти бүйича акциз солиғи түловчиси ким ҳисобланади ва бюджетта қанча үтказиб берилади?

ЖАВОБ

Бу ерда солиқ түловчи ширкат шартномага асосан **“Silver” МЧЖ** ҳисобланади. Акциз солиғини ставкаси 01.02.23 йилдан **1литр Вино (вермут)га 2200 сўм** солиқ ҳисоблаб чиқариш қуидагича бўлади

$$10\ 000 \times 2200 \text{ сўм} = 22\ 000\ 000 \text{ сўм}$$

Демак, “Silver” МЧЖ томонидан бюджетта 22 000 000 сўм акциз солиғи тўлаб беради.

Акцизга тортиладиган ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар

Этил спирти



Алкагол маҳсулотлари,
коньяк, вино ва пиво




Тамаки маҳсулотлари



Хушбуйлаштирувчи ёки ранг
берувчи қўшимчаларсиз оқ
шакар

Якуний истемолчига сотиладиган бензин,
дизель ёқилғиси, сиқилган газ

Телекоммуникация
мобил алоқа
хизматлари



Табиий газ



Полиэтилен
гранулалар




Нефт маҳсулотлари



Солиқ солиш объектлари

**1. Акциз тўланадиган товарларни реализация
қилиш, шу жумладан акциз тўланадиган
товарларни бошқа товарларга (хизматларга)
айирбошлиш учун бериш:**



Солиқ солиш объектлари




2. Акциз товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида ёхуд оддий ширкат шартномаси (*биргаликдаги фаолият түгрисидаги шартнома*) бўйича шерикнинг (*иширирокчининг*) ҳиссаси сифатида бериш.

Мисол:

Таъсисчи томонидан жамият устав капиталига акциз товарлар хом ашёсини (табиий спирт қўшилмаган вино) ҳисса сифатида қўшиши мумкин.



Солиқ солиш объектлари



3. Акциз тұланағынан товарларни:

Иштирокчига у юридик шахс таркибидан чиққан тақдирда ёхуд юридик шахсда иштирок этиш улуши камайганда, юридик шахс томонидан иштирокчидан ушбу юридик шахсда иштирок этиш улуши (*улушнинг бир қисми*) қайтариб сотиб олинганда иштирокчига бериш. Табий спирт қўшилмаган винони қайтариб олиши мумкин

Юридик шахс бўлган эмитент томонидан акциядордан ушбу эмитент чиқарган акциялар қайтариб сотиб олинган тақдирда акциядорга бериш. Хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакар мисолида.

Юридик шахсни тугатиша акциядорга ёки иштирокчига бериш. *Фаолиятига қараб сигарет, вино, коняк, спирт, ароқ, ва бошқаларни бериши мумкин*



4. Акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан қайта ишлаш учун топшириш, шунингдек қайтариш шарти билан берилган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсали бўлган, акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан берилган хом ашё ва материалларнинг мулқдорига ишлаб чиқарувчи томонидан топшириш




5. Акциз тўланадиган товарлардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш деганда ?

1-вазият. Истеъмол этил спирт ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланувчи корхона ўз низомига асосан қўшимча равишда ликёр-ароқ ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланади. Истеъмол этил спиртини ликёр-ароқ ишлаб чиқариш үчига кирим қилди.

2-вазият. “A” корхона полиэтилен гранулаларни қайта ишиш билан биргаликда мадани сув тайёрлаш ва қадоқлаш фаолиятига ихтисослаштирилган. Полиэтилен гранулалардан мадани сувни қадоқлаш мақсадида баклашканлар ишлаб чиқариш учун кирим қилинди

Акциз солиғи солиш объектлари



6. Акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига олиб кириш



Айрим импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар (транспорт воситалари, ускуналар, хом ашёлар ва ҳ.к.)



Солиқ солиши объектлари



7. Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш

Вазиятли масала:

“АБС” МЧЖ ёқилгі қуиши шаҳобчаси бензин, дизель ёқилғисини якуний истеъмолчиларга реализация қилиш фаолияти билан шугулланади. Фаолияти юзасидан хизмат автотранспортлари шунингдек, ёқилғини ташиши автотранспортларига жами 150 литр бензин ёқилғисидан фойдаланди.

Савол: Жамият ўз фаолити учун сарфлаган 150 литр бензин ёқилғиси учун акциз солиги тўлайдими?

Ечими:

Ўз фаолити учун сарфлаган 150 литр бензин ёқилғиси солиқ солиши обьекти ҳисобланади. 01.02.23 йилдан СКнинг 289-3-моддасида бензин ёқилғисининг 1 литри учун 425 сўм, 1 тонна учун 565 000 сўм солиқ ставкаси белгиланган.

Вазиятли масала:

Акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан бериш

Ароқ ишлаб чиқарувчи “А” корхонада буюртма кўплиги сабабли, буормани 100 фоиз бажаришлиқ учун “Б” корхонага ароқ ишлаб чиқариш ва қадоқлаш учун 5000 литр 45 фоизлик спиртни қайта ишлаш учун берди ва “А” корхона тайёр маҳсулотни қайтиб олди. Бу ерда хизмат ҳаққи 10 000,0 минг сўм этиб белгиланган.

Савол:

Акциз солигини тўлаш мажбурияти кимда сақланиб қолинади?

Ечими:

Акциз тўланадиган товарларни қайтариш шарти билан **Қайта ишлаш учун берган “Б” корхонада солиқни ҳисоблаш ва тўлаш мажбурияти юклатилади.** Бу ерда солиқ обьекти 5000 литр 45 фоизлик бўлган ароқ маҳсулоти ҳисобланади. Ишлаб чиқариладиган алкоголли маҳсулотларга 01.02.23йидан таркибидаги сувсиз этил спиртининг 1 литри учун 38000 сўм қилиб белгиланган.

1 литрга акциз ҳисоби:

$$38\ 000 \times 45/100 = 17\ 100 \text{ сўм}$$

СК 284-моддаси 4-к

Акциз солиги суммаси

$$5000 \times 17100 = 85\ 500,0 \text{ минг сўм}$$



Вазиятли масала:

Гаров мажбурияти бажарилмаган тақдирда, гаровдаги акциз товарларни гаровга қўювчи томонидан бериш

Корхона ишлаб чиқариш фаолиятини модернизация қилиш мақсадида полиэтилен гранулаларини гаровга қўйиш эвазига банкдан 1 500,0 млн.сўм микдорида кредит олди. Корхона тўлик қувватда ишлай олмади ва кредит тўлашга имконияти чекланди. Корхона кредит қарзини сўндириш мақсадида гаровдаги 500,0 млн.сўм қийматидаги полиэтилен гранулаларини банкка топширди.



Савол: Гаровдаги 500,0 млн.сўмлик полиэтилен гранулаларига акциз солиги тўланадими?

Ечими:

Ха тўланади. СКнинг 289-3-моддасига асосан полиэтилен гранулаларига акциз солиги ставкаси 10% этиб белгиланган

СК-284-модда (1қ)

Акциз солиги суммаси

$500,0 \times 10\% = 50,0 \text{ млн.сўм}$

Вазиятли масала:

Акциз товарларни (хизматларни) жисмоний шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ёки дивидендлар тўлаш ҳисобидан бериш

Корхона тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланади. Молиявий қийинчилик сабабли, корхона тамаки маҳсулотларини ўз ходимларига иш ҳақи ҳисобидан ва таъсисчиларига дивидент ҳисобидан жами 100 минг дона 50,0 млн.сўмлик маҳсулот берди.

Савол: *Ходимларга ва таъсисчиларга берилган 50,0 млн.сўмлик тамаки маҳсулотларига акциз солиги ҳисобланадими?*

Ечими: СКнинг 289-1- моддасига мувофиқ аралаши солиқ ставкаси адвалор ва қатий этиб белгиланган

Акциз солиги суммаси

$$100 \text{ минг дона} \times 223\,850 \text{ сўм} = 22\,385\,000 \text{ сўм}$$

$$50,0 \times 10\% = 5\,000\,000 \text{ сўм}$$

$$\text{жами: } 22,385 + 5,0 = 27,385 \text{ млн.сўм}$$

Солиқ солиш объектлари



8. Акциз тўланадиган хизматларни кўрсатиш

9. Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарилган (ёки) Ўзбекистоннинг божхона ҳудудига импорт қилинадиган акциз товарларнинг бузилиши, йўқотилиши, бундан фавқулодда вазиятлар натижасида юзага келган ҳоллар мустасно. Айбор томонидан товарнинг қиймати суғурта орқали тўланган ёки унинг ўрни қопланган тақдирда, акциз солиғи суғурта орқали тўлаш (ўрнини қоплаш) улусида тўланади



Мобилъ алоқа хизматлари



“АБС” МЧЖ ёқилги қуиши шаҳобчасининг ёқилги ташиши автотранспорти йўл харакат ҳодисасига учраб, 1 тонна ёқилги йўқотилди. Экспертиза ҳулосасига асосан жамият хайдовчиси қоида бузганлиги аниқланди. Йўқотилган ёқилги хайдовчи томонидан қоплаб берилди. Бу ерда қоплаб берилган ёқилги акциз солиги обьекти хисобланади.

Қуидагиларга акциз солиги солинмайды:



1. Акциз тўланадиган товарларни экспортга (экспортнинг божхона тартиб-таомилларида) реализация қилиш.



3. Ихтисослаштирилган газ таъминоти корхоналари орқали аҳолига суюлтирилган газни майший эҳтиёжлар учун реализация қилиш



Табиий ресурслардан ташқари



2. Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган, қайта ишлаш маҳсали бўлган акциз товарларни кейинчалик Ўзбекистоннинг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиш шарти билан бериш



*Резидент корхона 1000 дал вино материалини, ишлаб чиқариши учун «божхона ҳудудида қайта ишлаш» режимида олиб кирди. Бу вино материалитидан **900 дал спирт қўшилмаган** шиша идишга қуйилган вино ишлаб чиқарилди, ундан 700 дал вино экспорт режимида олиб чиқилган, қолган 200 дал вино эса бошқа корхонага қайта ишлаш бўйича хизмат ҳақи сифатида берилди. Корхонада акциз солигини тўлаш бўйича мажбурият қайта ишлаш хизмати учун тўлов сифатида берилган **200 дал винони** реализация қилиши пайтида юзага келади. (02.10.2019 ПҚ-4470)*

Қуидагиларга акциз солиғи солинмайды:

4. Ўзбекистоннинг божхона ҳудудига қуидаги акциз товарларни:




Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида олиб кириш



Давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар орқали хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида олиб кириш



Агар улар олиб кирилаётганда соликдан озод этилиши қонунда назарда тутилган бўлса, халқаро молия институтларининг қарzlари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарzlари ҳисобидан олиб кириш



Қуидагиларга акциз солиғи солинмайды:

5. Акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистоннинг божхона ҳудудига солиқ солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилиш. Мамалакатимиз ҳудудига солиқ солинмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб киришнинг энг юқори нормалари қонун хужжатларида белгиланади

(2018 йил 6 февраль, ПҚ-3512)



Вазиятли масала:



T. Тошибоев Франция давлатида бўлиб қайтди ва у ердан хар бир қути 20 евролик жами 120 европга (1 465983,60 сўм) дан б қути атирии совга сифатида олиб келди. (01.03.23 йил ҳолатига МБ курси 1 евро = 12216,53 сўм, $120 \times 12216,53 = \underline{1\,465983,60\text{ сўм}}$)

Савол:

Франция давлатидан импорт қилиб олиб кирилаётган атиrlар акциз солигига тортадими?

Ечими:

ПҚ-3512-сонли қарордаги меъёр бўйича атири ҳамда ифор таратувчи сувлар З қутигача акциз солиги ҳисобланмайди. Демак, қолган З қутига акциз солиги ҳисобланади. ПҚ-3818-сонли қарорга асосан атири ҳамда ифор таратувчи сувларнинг ҳар бир қути учун (ТИФ 3305 — 3307) 20% этиб белгиланган.

$$20 \text{ €} \times 12216,53 = \underline{244330,60 \text{ сўм}}$$

$$3 \text{ қути} \times 244330,60 = \underline{732991,80 \text{ сўм}}$$

Акциз солиги суммаси

$$732991,80 \times 20\% = \underline{145598,36 \text{ сўм}}$$

Қуидагиларга акциз солиғи солинмайды:



6. Ваколатли давлат органининг ёзма шаклдаги тасдиғи бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича маҳсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари



Туар жойларни ва бошқа жойларни, бинолар, ишоотларни, жойнинг участкаларини, транспорт воситаларини текшириш ва кузатиш ускуналари



Тезкор кузатув, алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш, ахборот олишнинг бошқа техник воситаларини қўллаш ускуналари.



Почта, курьерлик жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш ускуналари



Телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшлитиш ва бошқа ускуналар



7. Ишлаб чиқарувчилар томонидан туристик йўналишларда ташкил этилган дегустация худудларида (жойларида) реализация қилинадиган табиий вино (шиша идишдагилардан ташқари) маҳсулотларига.

Акциз солиғи базаси

Жисмоний шахслар мәхнатига ҳақ түлаш, ҳисоблаб чиқарилған дивидендлар ҳисобига бепул ёки бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз түланадиган товарлар бўйича солиқ тўловчи товарларни топшириш пайтида белгилаган, лекин унинг ҳақиқий таннархидан кам бўлмаган нарх асосида ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган база бўлади

Вазиятли масала:

Корхона январь ойида 6250 кг таннархи 50,0 млн.сўмлик оқ шакарни ишлаб чиқарилган. Корхонанинг ишчилар иш хақидан қарзи бўлганлиги сабабли корхона уни паст нархда 38,0 минг сўмга иш ҳақи хисобидан ишчиларга берди (ҚҚС ва акциз солигини ҳисобга олмагандা)

Савол: *Акциз солиги базасини аниқланг?*

Ечими:

Реализация қилиши таннархдан паст бўлган нархда амалга оширилганлиги сабабли, солиқ солинадиган база сифатида 50,0 млн.сўм олинади (таннарх). СКнинг 289-3-моддасига асосан оқ шакар учун 20% этиб белгиланган

Акциз солиги суммаси

$$50,0 \times 20\% = \underline{10,0 \text{ млн.сўм}}$$

Акциз солиғи базаси

Қайтариб бериш шарти билан қайта ишланган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ базаси акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишларнинг қийматини ҳамда қайтариш шарти билан қайта ишланган хом ашё ва материалларнинг қийматини ўз ичига олади

Вазиятли масала:

«А» корхона буортмачининг полиэтилен гранулаларини қайта ишлаб чиқариш бўйича хизматлар кўрсатди. Қайта ишлашга олинган хом ашёнинг қиймати – 40,0 млн сўм. Бунда корхонанинг хизмат хаққи 15,0 млн. сўмни ташкил этди

Савол: Акциз солиги базасини аниқланг?

Ечими:

26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сонли қарорига асосан, 2019 йил 1 январдан бошлаб, полиэтилен гранула бўйича қўшимча фойда солиғи бекор қилиниб, полиэтилен гранулаларига акциз солиғи жорий қилинди. СКга киритилган ўзгартиришларга асосан 2022 йил учун полиэтилен гранула *акциз солиги 10%* этиб белгиланган. Акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база 55,0 млн сўмни ташкил этади





Олиб кирилаётган акциз тўланадиган товарларга нисбатан қатъий белгиланган солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси импорт қилинган акциз тўланадиган товарларнинг натура ҳолидаги ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади



Четдан олиб кирилаётган акциз тўланадиган товарларга нисбатан **фоизлардаги (адвалор) солиқ ставкалари белгиланган бўлса, солиқ базаси божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати асосида аниқланади**



Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш чоғида реализация қилинган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланилган бензиннинг, дизель ёқилғиси ва газнинг натурада ифодаланган (литр, тонна) ҳажми солиқ базаси ҳисобланади



Акциз солиғи базаси ва ставка турлари



Акциз солиқ базаси белгиланган солиқ ставкалариға қараб акциз тўланадиган товарларнинг (хизматларнинг) ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади:



Мутлок (қатъий)
белгиланган суммада



Акциз солиғи
ставкалари
турлари:

Аралаш ставка

Фоизларда (адвалор)
белгиланган ставка



СКнинг 289-1 –моддаси. Тамаки маҳсулотлари акциз солиғи

СТАВКАЛАРИ

Тамаки маҳсулотлари турлари	Солиқ ставкаси		
	Импорт қилинганда	ишлаб чиқариладиган	
		01.01.2023 йилдан	01.02.2023 йилдан
1. Фильтрли, фильтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретек	342 000 сўм/1000 дона + 10,0 фоиз	203 500 сўм/1000 дона + 10,0 фоиз	223 850 сўм/1000 дона + 10,0 фоиз
2. Сигара	5 720 сўм / 1 дона		
3. Чилим учун тамаки	341 000 сўм /кг		
4. Чекиладиган, ўрама тамаки	341 000 сўм /кг		
5. Чайналадиган, ҳидланадиган, шимиладиган тамаки	341 000 сўм /кг		
6. Қиздирилган тамаки таёқчаси, қиздирилладиган тамакили капсула ва таркибида тамаки бўлган ўхшаш тамоил билан фойдаланиладиган бошқа маҳсулотлар	341 000 сўм /кг		
7. Никотин тамаки снюс	137 500 сўм /кг		
8. Таркибида никотин мавжуд бўлган суюқлик (картриджаларда, резервуарларда ва электрон сигареталарда фойдаланиш учун бошқа контейнерларда**	605 сўм/мл		

СКНИНГ 289-2 –моддаси. Алкоголь маҳсулотларига доир акциз солиги
СТАВКАЛАРИ

	Товарлар (хизматлар) номи	Солиқ ставкаси (1 литр учун)		
		Импорт қилинганда	ишлиб чиқариладиган	
			01.01.2023 йилдан	01.02.2023 йилдан
1.	Озиқ-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфироальдегидли фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг бошланғич фракцияси	70%		7450 сүм
2.	Ароқ, конъяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари(акциз тўланадиган товар таркибидаги сувсиз этил спиртининг 1 литри учун, бундан 3 ва 4-бандлар мустасно)	106 800 сүм	34 500 сүм	38 000 сүм
3.	Вино			
	табиий равишда ачитилган табиий винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда)	30 000 сүм		1 сүм
	бошқа винолар, шу жумладан вермут	42 750 сүм	1 980 сүм	2 200 сүм
4.	Пиво	50%, бироқ 12 800 сүмдан кам бўлмаган	1380 сүм	1550 сүм

**СКнинг 289-3-моддаси. Нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган
товарлар ва хизматларга солиқ СТАВКАЛАРИ**

Товарлар (хизматлар) номи				Солиқ ставкаси	
1.	Нефть маҳсулотлари:	01.01.2023 йилдан	01.02.2023 йилдан		
	бензин	275 000 сўм/тонна	303 000 сўм/тонна		
	авиакеросин (синтетикдан ташқари)	220 000 сўм/тонна	242 000 сўм/тонна		
	дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари)	264 000 сўм/тонна	291 000 сўм/тонна		
	ЭКО дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари)	237 600 сўм/тонна	262 000 сўм/тонна		
	дизель ёки карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи	374 000 сўм/тонна	412 000 сўм/тонна		
2.	Полиэтилен гранулалар		10%		
3.	Табиий газ, бундан Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган газ мустасно		20%		
4.	Якуний истеъмолчига сотилувчи:				
	бензин	1 литр учун 385 сўм/1 тонна учун 512 000 сўм	1 литр учун 425 сўм/1 тонна учун 565 000 сўм		
	дизель ёқилғиси	1 литр учун 385 сўм/1 тонна учун 468 000 сўм	1 литр учун 425 сўм/1 тонна учун 516 000 сўм		
	суюлтирилган газ	литр учун 385 сўм/1 тонна учун 730 000 сўм	1 литр учун 425 сўм/1 тонна учун 807 500 сўм		
	сиқилган газ	1 куб.метр учун 550 сўм	1 куб.метр учун 605 сўм		
5.	Мобил алоқа хизматлари		10%		
6.	Хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакар		20%		


Мутлоқ (қатъий) белгиланган ставка



Давлат солиқ құмитасы
хузуридаги Фискал
институты



Акциз солиғининг ставкалари мутлоқ (қатъий) суммада белгиланган акциз товарлар (хизматлар) бүйича солиқ солинадиган база акциз товарларнинг (хизматларнинг) натурада ифодаланган ҳажми асосида аниқланади



Акциз товарларнинг (хизматларнинг) натурада ифодаланган ҳажми бу - маҳсулот бирлигидир (литр, килограм, тонна, дона ва бошқалар).

Вазиятли масала:

“Brend alcohol” МЧЖ 2022 йил 6 ой якунига қадар қуийдаги жадвалдаги алкогольни маҳсулотларни ишлаб чиқарди ва маҳаллий бозорга реализация қилди:

№	Товар номи	Микдори (Литр.)
1	Ароқ 40%	5000
2	Вино (бошка винолар шу жумладан вермут)	1000
3	Коньяк 42 %	1500
Жами		7500



(Дал (декалитр) – спиртли ичимликлар ҳажмининг ўлчови, 1 дал = 10 литр)

Савол:

Акциз солиғини ҳисобланғ?





Ечими:

2023 йил 1 февралдан Республикада ишлаб чиқарыладын Ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари(акциз түланадын товар таркибидаги сувсиз этил спиртининг 1 литри учун 38000 сўм, вино (бошқа винолар шу жумладан вермут) 1 литрга 2200 сўм ставкали акциз солиғи белгиланган.

Мисол учун: Таркибида этил спирти 40 % бўлган алкоголь маҳсулотининг 1 литри учун акциз солиги

$38000 * 40 \% = 15200$ сўмни ташкил қиласди

Мисол учун: Таркибида этил спирти 42 % бўлган алкоголь маҳсулотининг 1 литри учун акциз солиги

$38000 * 42 \% = 15960$ сўмни ташкил қиласди



Мутлоқ (қатъий) белгиланған ставка

Ечими:

Минг сүм

№	Товар номи	Микдори (литр)	Солиқ ставкаси	Солиқ суммаси
1	Ароқ 40%	5 000	15200	76000,0
2	Вино (вермут)	1 000	2200	2200,0
3	Коньяк 42%	1 500	15960	23940,0
Жами		7 500		102 140,0

Акциз солиғи суммаси

$$76000,0 + 2200,0 + 23940,0 = \underline{102140,0} \text{ минг сүм}$$



СК-289-2-модда


Фоизларда (адвалор) белгиланган ставка



Давлат солиқ құмитасы
хузуридаги Фискал
институты



Ишлаб чиқарылаётган акциз түланадиган товарларга (хизматларга) солиқ ставкалари **фоизларда (адвалор)** белгиланган бўлса, солиқ базаси бўлиб реализация қилинган акциз түланадиган товарларнинг (хизматларнинг) қиймати, бироқ уларнинг ҳақиқий таннархидан паст бўлмаган қиймати ҳисобланади



Акциз товарлар (хизматлар) реализация қилинган товарларнинг (хизматларнинг) акциз солиги ва ҚҚСиз қиймати ҳисобланади.



Вазиятли масала:

“Brend” ХК Хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакар ишлаб чиқаради. 2022 йил сентябрь ойида реализация қилинган маҳсулотнинг улгуржи-сотиш қиймати (акциз ва ҚҚСларсиз) яъни, солиқ солинадиган база **115,0 млн.сўмни** ташкил этган.

Савол:

Акциз солигини ҳисобланг?

Ечими:

Республикада ишлаб чиқарыладиган Хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакар акциз солигининг ставкаси **20%** .

Акциз солиги суммаси

$$115,0 \times 20\% = \underline{\underline{23,0 \text{ млн. сўм}}}$$

Фоизларда (адвалор) белгиланған ставка

Адвалор ставкалари құлланиладиган акциз солиғи ХИСОБ-КИТОБИ

№	Акциз тұланадиган товарлар (хизматлар) номи	Үлчов бирлиги	жами	Солиқ солинадиган база			Акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база (4-устун - 8-устун)	Акциз солиғи ставкасы, фоиз	Ҳисобланған акциз солиғи сүммаси (13-устун x 14-устун) / 100
				шу жумладан:	акциз тұланадиган товарлар (хизматлар) реализацияси	акциз солиғи солинадиган бушқа оборотлар*			
1	2	3	4	5	6	7	13	14	15
	Жами	x	115 000 000,00	115 000 000,00	0,00	0,00	115 000 000,00	x	23 000 000,00
1	Хушбүйлапштирувчи ёки ранг берувчи күшимчаларсиз оқ шакар	сүм	115 000 000,00	115 000 000,00			115 000 000,00	20	23 000 000,00
2		сүм	0,00				0,00		0,00

Акциз тұланадиган товарларнинг реализацияси 115 000 000 сүм



Акциз солиғи ставкасы

Ҳисобланған акциз солиғи сүммаси 23 000 000 сүм



Аралаш ставка



Акциз тұланаған товарларға нисбатан **қатъий белгиланған ва адвалор** солиқ ставкаларидан иборат бўлган аралаш солиқ ставкалари белгиланған бўлса, солиқ базаси, акциз тұланаған товарларнинг натурада ифодаланған ҳажмидан ҳамда реализация қилинған акциз тұланаған товарларнинг қийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади

Вазиятли масала:

“Brend TOBACCO” Х/К 2022 йил сентябрь ойида 250 000 000 сүмлик 50 000 дона фільтрли сигареталар реализация қилди. Реализация қилинғанған маҳсулотнинг улгуржи-сотиш қиймати (акциз ва ҚҚСларсиз) яъни, солиқ солинаған база 250 000 000 сүмни ташкил этган.

Акциз солигини ҳисобланғ?



2023 йил 1 февралдан 1000 дона сигареталар учун 223850 сўм, реализация қилинғанған маҳсулот қиймати учун 10%. белгиланған

Ечими:

Акциз солиги қатъий ставка

$$50\ 000 \text{ дона} \times 223850 \text{ сўм} / 1000 = \underline{\underline{11\ 192\ 500 \text{ сўм}}}$$

Акциз солиги адвалор ставка

$$250\ 000\ 000 \times 10/100 = \underline{\underline{25\ 000\ 000 \text{ сўм}}}$$

Акциз солиги суммаси

$$11\ 192\ 500 + 25\ 000\ 000 = \underline{\underline{36\ 192\ 500 \text{ сўм}}}$$

Аралаш ставка



Давлат солиқ құмітасы
хузуридаги Фискал
институты

Қатъий ва адвалор ставкалардан ташкил топған аралаш ставкалар белгиланған, акциз солиғи ХИСОБ-КИТОБИ

(Сүмда)

№	Акциз тұланаған товарлар (хизматтар) номи	Үлчов бирлиги	Солиқ солинаған база			Қатъий ставка бүйіча акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинаған база (4-устун – 9-устун)	Акциз солиғи қатъий ставкасы	Қатъий ставка бүйіча ҳисобланған акциз солиғи сүммаси (19-устун x 20-устун)	Адвалор ставка бүйіча акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинаған база (7-устун + 8-устун - 11-устун)	Акциз солиғи адвалор ставкаси, фоиз	Адвалор ставка бүйіча ҳисобланған акциз солиғи сүммаси (22-устун x 23-устун /100)	Акциз солиғи сүммаси, жами (21-устун + 24-устун)	
			жами	шу жумладан:	акциз тұланаған товарлар (хизматтар) реализацияси								
1	2	3	4	5	6	7	19	20	21	22	23	24	25
	Жами	x	50	50		250 000 000	50	x	11 192 500	250 000 000	x	25 000 000	36 192 500
1	Фільтрлі сигареталар	минг дона	50	50		250 000 000	50	223 850	11 192 500	250 000 000	10	25 000 000	36 192 500
2		минг дона											
3		минг дона											

Акциз тұланаған товарларнинг реализацияси 50 000 дона

Акциз солиғи қатъий ставкасы

= Ҳисобланған акциз солиғи сүммаси 30 551 500 000 сүм

Акциз тұланаған товарларнинг реализацияси 20 000 000 000 сүм

Акциз солиғи адвалор ставкасы

= Ҳисобланған акциз солиғи сүммаси 2 000 000 000 сүм

Акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) доир солиқ солинадиган операциялар амалга ошириладиган сана



Давлат солиқ қўмитаси
хузуридаги Фискал
институти



Маҳсулот етказиб берувчи томонидан фактура тақдим этилган сана ёки товарлар жўнатилган (берилган) сана, агар ушбу сана фактура тақдим этилган санадан олдин келса, товарларни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган сана



Агар товарни жўнатиш (бериш) амалга оширилмаса, товарга бўлган мулк ҳуқуқи харидорга ўтказилган кун товарларни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган сана



Хизматлар кўрсатилганини фактини тасдиқловчи ҳисобварак-фактура ёки бошқа ҳужжат расмийлаштирилган (имзоланган) сана хизматларни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган санадир



Солиқ тўловчининг ўз эҳтиёjlари учун товарларни беришда (хизматлар кўрсатишда) айланма амалга оширилган сана деб солиқ тўловчининг тегишли ички ҳужжати билан расмийлаштирилган, ушбу товарни бериш (хизматлар кўрсатиш) амалга оширилган кун

Товарлар экспорт божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган ҳолда Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқилган тақдирда, қуйидаги саналар товарни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган сана ҳисобланади:

Божхона тўғрисидаги ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона чегараси ҳақиқатда кесиб ўтилган сана

Божхонага оид декларациялашни амалга оширган божхона организининг белгилари қўйилган ҳолда товарларга тааллуқли божхона юк декларацияси рўйхатдан ўтказилган сана – даврий ёки вақтинчалик божхонага оид декларациялашдан фойдаланилган ҳолларда



Олиб кирилаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солиш операцияларини амалга ошириш санаси уларни божхонанинг импорт тартиб-таомилидан чиқариш санаси ҳисобланади.

Солиқ түловчидә солиқ базасыга тузатыш киритиш қуидаги ҳолларда амалға оширилади



1. Товарлар түлиқ ёки қисман қайтарилғанда



3. Битим шартлари ўзгарғанда, шу жумладан жүннатилған товарларнинг, күрсатилған хизматларнинг нахия ёки сони (ҳажми) ўзгарғанда

2. Күрсатилған хизматлардан воз кечилғанда




Солиқ базасына уни камайтириш ёки күпайтириш тарафға тузатыш киритиш 1 йиллик муддат доирасыда, кафолат муддаты белгиланған товарлар бүйіча эса кафолат муддаты доирасыда амалға оширилади.

4. Товарларни (хизматларни) сотувчи томонидан чегирмалар берилғанда



Солиқ базасы хатоларни тузатыш натижасыда ўзгартырылған тақдирда, илгари ёзиб берилған ҳисобварақ-фактурага ўзгартыш ва (ёки) құшимчалар киритилғанда тузатышлар киритилмайды. Бундай ҳолда илгари ёзиб берилған ҳисобварақ-фактура бекор қилинади ва унинг үрнігің қонунчилікта белгиланған третібда тузатылған ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади.

Солиқ базасыга тузатыш киритиш (салбий ёки ижобий) құшимча ҳисобварақ-фактура ёки тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосыда амалға оширилади



Акциз тўланадиган товарлар экспортини тасдиқлаш




Давлат солиқ қўмитаси
хузуридаги Фискал
институти

Акциз тўланадиган товарлар экспортини тасдиқловчи ҳужжатлар қўйидагилардан иборатdir:

Экспорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларни етказиб беришга доир контракт (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси)

товарларни экспорт режимида чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белгиси қўйилган божхона юк декларацияси



Ўзбекистон Республикасининг чегарасидаги ўтказиш пунктида божхона органининг товарлар мамлакатга жўнатилганлигини белгиси қўйилган, товарга илова ҳужжатлар божхона жойлашган тайинланган тасдиқловчи қилинадиган



Чет эллик сотиб оловчи (тўловчи) томонидан экспорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирма

Товарларни чет эл валютасида экспорт қилиш юзасидан даромадлар товарлар экспорт режимига чиқарилган кундан эътиборан бир юз саксон календарь куни ичидаги келиб тушмаган тақдирда, товарларни экспортга реализация қилиш солиқ солишнинг обьекти деб эътироф этилади



СК-288-модда

Товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топшириқ) шартномаси бўйича реализация қилинган тақдирда экспортни тасдиқлаш учун комитетент (топшириқ берувчи) томонидан солиқ тўловчининг воситачи ёки ишончли вакил билан тузилган воситачилик шартномаси ёки топшириқ шартномаси (шартноманинг кўчирма нусхаси) қўшимча равишда тақдим этилади.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби, хисоб-китобни тақдим этиш тартиби

Солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва солиқнинг белгиланган ставкаларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади

$$AC = SB \times C$$

Бу ерда:

AC – Акциз солиги

SB – Солиқ солинадиган база

C – Фоизларда ёки мутлоқ суммада белгиланган солиқ ставкаси, солиқ солинадиган базанинг хусусиятига қараб

Импорт қилинган, акциз тўланадиган, ўзига нисбатан аралаш – адвалор ва қатъий белгиланган солиқ ставкалари белгиланган товарлар бўйича солиқ, солиқ базаси ва адвалор ставгадан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.



Бунда солиқ суммаси қатъий белгиланган ставка қўлланилган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган суммадан кам бўлиши мумкин эмас



Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби, хисоб-китобни тақдим этиш тартиби



Солиқ даври бир ой

Акциз солиғи ҳисботи солиқ бүйича ҳисобда туралган жойдаги солиқ органларига ҳар ойда, солиқ давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади

Солиқни тўлаш солиқ ҳисботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади

Импорт қилинадиган товарлар бўйича солиқни тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Акциз маркалари билан тамғаланиши лозим бўлган олиб кириладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ акциз маркалари олингунинг қадар тўланади